

## **БИЗГА ҚАНОТ БЕРИНГ ПАРВОЗЛАР УЧУН**

Кўйчиев Одил Рахимович

Жizzax политехника институти, доцент

### **Аннотация**

Ушбу мақолада муаллиф томонидан Мамлакатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг ислоҳатлар таълим учун ажиратиладиган маблағлар ва ёшларнинг илғор ғояларини амалга ошириш бўйича бир қанча таклифлар билдириб ўтилган. Мақолада келтирилган далиллар ва олиб борилган илмий изланишлар соҳа мутассадилари учун дастуруламал вазифасини ўтайди.

Серқуёш юрт, мусаффо осмон эрк шаббодалари эсаётган бир вақтда Юртимизда барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар, янгидан-янги технологияларнинг жорий этилаётгани ўниб-ўсиб келаётган ёшлар учун улкан бир ишонч бўлди десак муболага бўлмайди. Дархақиқат Мамлакатимиз раҳбарининг ёшларга оид Давлат сиёсати ва ёшлар учун очиб берилаёткан кенг қамровли ишлар, шубҳасиз албатта ўзининг самарасини беради. Айниқса, Давлатимиз раҳбарининг Республикамиз вилоятлари, турли манзилларга бўладиган ташрифлари сабаб, кўпдан-кўп ислоҳатлар амалда ўз тасдиқини топиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 11-февраль куни Жizzax вилоятига қилган ташрифларида турли соҳа вакиллари билан дилдан, камтарона сухбатлари, эртанги кунга билдираётган ишончлари, чиқараётган ҳар бир Фармон ҳамда Қарорларидан ҳам сезилиб туради. Жizzax политехника институти профессор-ўқитувчилари ташрифда иштирок этгани ва улар ўзларининг илмий ва Start-up лойиҳалари билан қатнашишлари, олийгоҳда олиб борилаётган сўнгги йиллардаги ютуқлари билан таништиришлари Мамлакатимиз раҳбарининг қалбида катта бир ишонч ҳосил қилишлари учун сабаб бўлди. Жizzax политехника институти “Энергетика” кафедраси профессори, ф.м.ф.д. Юлдашев Уруш Юлдашевичнинг муқобил энергия манбанини таъминлашда қуёш панелларини ишлаб чиқаришни ва бунга керакли маблағнинг етишмаётганини айтганлари Давлатимиз раҳбарининг назарига тушди. Жizzax политехника институти ушбу ғояни тадбиқ қилиши учун 5 миллиард сўм пул маблағи Олийгоҳимиз учун ажратилиши барчамизни бирдек қувонтирди. Чиндан ҳам ушбу ислоҳатларни амалга ошириш келгуси авлод учун дастлабки қадам вазифасини ўташига ишонамиз [1].

Муқобил ресурс тежовчи энергия ҳар соҳада ўзининг самарадорлигини беради. Қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, енгил саноат, қурилиш, қўйингки барча соҳа учун бирдек зарурдир [2].

Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича юқоридаги фикрларни тасдиқлаш учун бир нечта далилар билан мисол келтирайлик. Жizzax политехника институти Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологиясининг 2 босқич магистранти

Шахло Ҳошимова иқтидорли ташаббускор қизларимиздан бири ҳисобланади. У ўз уйда интенсив балиқчилик фаолияти билан шуғулланади. У 2 сотих ер майдонида тўрт минг дона карп балигини етиштирди. Мени қувонтиргани шуки, 2022 йилнинг 12- май санасида “Янги Ўзбекистон: Илм қалдирғочлари-2022” кўрик танловининг Республика босқичида Шахло Ҳошимова Жиззах политехника институтида интенсив балиқчиликни ривожлантириш ва кислород апаратларини ҳаракатга келтиришда қўёш панелларини тадбиқ қилиш лойиҳаси билан иштирок этгани айнан балиқчилик учун ҳам қўёш панеллари муҳим эканлигидан далолат беради [3].



1-расм. Интенсив балиқчиликнинг ҳовузи.

Шахло Ҳошимова турли кўрик танловларда айнан юқорида кўрсатилган лойиҳаси бўйича кўпгина ютуқларни қўлга киритган. Аммо керакли қўёш панелларини топиш ва ҳарид қилиши хозирги кунда муаммо бўлиб келмоқда. Эндиликда Олийгохимизда ресурс тежовчи қўёш панелларини ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилса, Ш.Ҳошимованинг олиб бораётган балиқчилик соҳасидаги илмий фаолияти албатта ўз самарасини беради.

Шахло Ҳошимовага илмий раҳбарлигимда турли лойиҳаларда бир қанча мувофақиятларга эришганмиз. Келажакда Ш.Ҳошимова ўзи ташкил этган балиқчилик хўжалигини Жиззах политехника институти талабалари амалиёт ўтайдиган кичик худудга айлантиришни ният қилган. У балиқчиликдан ташқари паррандачилик ва иссиқхоналарини айнан қўёш панеллари орқали иситиш тизимни йўлга кўймоқчи. Институтимизда муқобил энергия манбаи-қўёш панелларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, Ш.Ҳошимова сингари ёшларимиз илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштиришлари учун катта ёрдам бўлади [4].

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мүмкінки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан билдирилган ишонч Олийгоҳимизда фаолият юритаётган барча профессор-үқитувчилар, докторантлар, магистрантлар ва талабалар учун қанот вазифасини үтайди. Юксак мэрраларни зabit этмоқ учун ирода, ишонч, сабр ҳамда парвоз қилмоқ учун кенг қанотлар керак бўлади. Ёшларга кенг қанот берилса, албатта улкан тоғларни ҳам зabit этши осон бўлади.

**Адабиётлар:**

1. О.Р.Куйчиев, А.А.Пармонов Формы, методы и содержание трудового воспитания. Журнал “Общество” № 1 (16), 2020. -С. 73-76.
2. А.Т.Росабоев, О.Р.Куйчиев, Ш.Т.Худоёров Результаты разработки энерго- и ресурсосберегающего устройства для очистки семян сельскохозяйственных культур. «Экспериментальные и теоретические исследования в современной науке». Сборник статей по материалам XLIX международной научно-практической конференции. Том 1 (44). 2020. «Сибирская академическая книга» Новосибирск. Россия. -С. 45-51.
3. О.Р.Кўйчиев Ерёнгоқ илдиз қисмининг тузилиши, ўлчамлари ва физик-механик хоссалари. Механика ва технология илмий журнали. № 2 (7) 2022. –Б. 69-75.
4. О.Р.Куйчиев, Физико-механические характеристики арахиса. Журнал «Universum. Технические науки» №2 (95) февраль, 2022. –С.36-38.